O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2005** йил, **16** сентябрь, жума № **68** (2112).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **16** сентября, **2005** год, № **68** (2112).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена свободная

Ҳозирги кунда дунёда бизнинг юртимиздаги каби муддатли хизматга чақирув ва шартнома-контракт бўйича хизмат танлов асосида ўтадиган мамлакатнинг ўзини топиш қийин.

**Ислом КАРИМОВ**

## СЛУЖБА В АРМИИ ПОЧЕТНА!




Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

## ҲАТТО ТЎЙИДА ҲАМ МАЪНАВИЯТ БОР

Асрлар давомида халқимизнинг маънавияти, анъана ва удумлари, урф-одатлари шаклланиб келган. Миллий истиқлол мафкураси айнан ана шу ўлмас меросимиздан озиқланишини яхши биламиз. Негаки миллий истиқлол ғояси, мафкурасининг мазмун-моҳиятида ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш ва шакллантиришдек устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбегимнинг тўйи унинг ажойиб қадриятларидан бири эканлигини таъриф-тавсиф этишга ҳожат йўқ. Ўзбек борки, тўй деганда ҳеч кимникига ўхшамаган, ўзига хос удумлар, урф-одатлари кўз олдига келади. Одатда тўй учун бирон бир фасл танланмайди. Аммо юртимизда август, сентябрь ойларини кўпинча тўйлар мавсуми сифатида биламиз. Бунинг сабаби тилга олинаётган ойларда пишиқчилик, демакки янада тўкинлик, фаровонлик бўлади. Манбаларга қараганда, қадимда тўйлар кўпроқ қиш фаслида, одамларнинг қўли ишдан бўш пайтларда ўтказилган.

**(Давоми 4-бетда).**

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



## ИНСОН ҚАЛБИ ТАСВИРЧИСИ

Ўрол Тансиқбоев XX аср ўзбек миллий рассомчилик санъатининг етакчи сиймоларидан бири эди. Айниқса у табиат куйчиси, инсон қалби тасвирчиси сифатида она Ватан манзараларини абадий муҳрлашда миллий рассомлар—шогирдларига намуна бўлди. Наср устаси академик Ойбек қаерда табиатнинг гўзал манзарасини кўрса, дарҳол дўсти Тансиқбоевни эслар, «Эҳ, бу манзарани мангуликка муҳрлашда Ўрол бўлсамиди!» – дея улуғ санъаткорга илинарди.

Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев асарлари Шарқ халқлари давлат музейи, Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи, Ўзбекистон Республикаси давлат санъат музейи, Третьяков галереяси ва бошқа нуфузли музей коллекцияларидан доимий ўрин олган. Жаҳон шахсий коллекционерлари ва галереялари рассом асарларини ноёб хазина сифатида ардоқлаб сақлаб келмоқдалар. 1934 йили эса Москвадаги Ўзбекистон рассомлари кўриги якунидан кейин рассомнинг 2 та асари Американинг Филадельфия шаҳрида ўтказилган кўргазмада намойиш қилиниб, катта муваффақият қозонган эди. У ўзбек рассомларининг карвонбошиси сифатида 30-йилларда чет элларда ўтказилган кўрикларда тан олинди.

**(Давоми 4-бетда).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### 2005 ЙИЛНИНГ 1 ОКТЯБРИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 9400 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 18605 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 9400 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 18605 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 11270 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайтирилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги ПФ-3596-сон Фармони (4-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 14 сентябрь

Кузги чақирув – 2005

## ХИЗМАТГА ШАЙМИСАН, ЙИГИТ?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори ва Мудофаа вазирининг бу борадаги буйруғи матбуотда эълон қилинди. Ана шу Қарор ва буйруққа асосан 2005 йил октябрь-ноябрь ойларида муддатли хизматни ўтаб бўлганлар хизматдан бўшатилади ҳамда чақирув ёшига етганлар Қуролли Кучлар сафига чақирилади.

Юртбошимиз шундай таъкидлайди:

«Армиянинг бугуни ва келажагини ўйлаб қилаётган барча ишларимизнинг натижаси ва якуни сифатида ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда кун сайин обрў- эътиборли касбга айланиб бормоқда. Ва бугун биз бу ҳақда ғурур ва ифтихор билан гапиришга ҳақлимиз».

Бу фикрнинг қанчалик тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Қарорида «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида»ги қарори талабларига қатъиян мувофиқ равишда

**(Давоми 3-бетда).**

Обуна – 2006

## «ВАТАНПАРВАР» – МЕНИНГ ГАЗЕТАМ!

Ҳурматли муштарий!

Севимли газетангиз «Ватанпарвар»га обуна мавсуми бошланмоқда.

Ижтимоий-ватанпарварлик, информацион-таҳлилий газета – «Ватанпарвар» ҳафталиги кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган республикамиздаги ягона рангли нашрдир.

Азиз муштарий, ҳафталик саҳифаларида аввалгидек, мамлакатимиз ва оламда рўй бераётган турфа воқеа ва ҳодисалар, ёшлар муаммолари, оила ва оилавий ҳаёт психологияси, одоб-ахлоқ ва аждодларимизнинг буюк маънавий-маърифий мерослари ҳақида туркум мақолалар эълон қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон ва хорижнинг машҳур кишилари: спортчилар, олимлар, санъаткорлар, сиёсатчилар билан қизиқарли учрашувлар сизни кутмоқда. Айнан бизнинг газетамиз саҳифаларида ишончли манбаларга таяниб, эълон қилинадиган мунажжимлар башоратидан тақдирингизни айрим қирраларини аввалдан билиб олишингиз мумкин. Телевизион кўрсатувлар дастурини мунтазам кузатиб бориш имкони бор.

Газетага имтиёзли обуна баҳоси (мамлакатимизнинг барча регионлари учун бир хил) ҳақида эслатиб ўтамиз:

6 ойга – 9100 сўм;
12 ойга – 18200 сўм;
(Таҳририятдан ўзи олиб кетиш).
Етказиб бериш шарти билан обуна:
6 ойга – 10000 сўм;
12 ойга – 20000 сўм.

2005 йилнинг 1 октябрига қадар обуна бўлганлар учун (якка тартибда ёки жамоа бўлиб) обуна жорий йил баҳоси билан расмийлаштирилади.

Маълумот учун телефон: 56 03 46.




Муштарийларимизга

## ВАТАН ЧОРЛАР, СЕНИ ЎҒЛОН!

Сафларда чақирув муддатини кутиб турган ўғлон, мана, сен кутган онлар ҳам келди. Қуролли Кучларга навбатдаги чақирув тўғрисида Президентимизнинг Қарори ва Мудофаа вазирининг буйруғи эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида»ги 84-сонли Қарори эса чақирувни янада сифатли юксак талаблар асосида ўтказилишига муҳим кафолатдир. Айни чоғда чақирувга тайёргарлик жараёни бошланиб кетди. Мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида иш қизғин. Чақирилувчилар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда, жисмоний ва маънавий жиҳатдан тайёргарликлари қай даражада эканлиги синаб кўрилмоқда.

Ўн саккиз ёшга кирган ҳар бир чақирилувчи Ватанимизнинг асл фарзандидир. Ҳар бир чақирилувчи хизматнинг қайси турини ўташидан қатъи назар Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчини ўташи ҳам қарз, ҳам фарздир.

Она Ватан сени хизматга чорламоқда. Ота-онанг, ёру биродарларинг, маҳалладошларинг ўз бурчингни виждонан ўташингга ишонади. Сен тинчлик аскари бўлиб, Ватанимизнинг ишончли ҳимоячиси бўл!

Бугун аскарлик мақоми юксак! Президентимиз, ҳукуматимиз катта ғамхўрлик, эҳтиром кўрсатишмоқда. Бу ғамхўрлик, эҳтиромга муносиб бўлмоқлик керак.

Чақирув ҳам ўз миллий хусусиятларимиз руҳида ташкил этилаётганлиги ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириб, шараф ишига айлантирмоқда.

Кузги чақирувни муваффақиятли ўтказиш барчамизнинг ишимиздир.

Муддатли хизматни ёруғ юз билан ўтаб, армия мактабида тобланиб Қуролли Кучлар резервига бўшатилишга тайёргарлик кўраётган йигитлар, СИЗ бундан кейинги фаолиятингизда ҳам Ватаннинг, халқимизнинг суянчи, таянчи бўлишингизга ишончимиз комил.

Озод ва обод Ўзбекистонимнинг асл фарзанди! Шоир айтганидек:

«Билиб қўйки, сени ватан кутади!»

**ТАҲРИРИЯТ**

К нашим читателям

## ВАШЕ ВРЕМЯ, СЫНОВЬЯ ОТЧИЗНЫ!

В разгаре призывная кампания. На местах представители военных округов, начальники управлений по делам обороны организуют совместно с органами власти эффективную работу призывных комиссий. Особое внимание уделяется обеспечению совместно с органами здравоохранения качественного и объективного медицинского освидетельствования призывников. Идет большая кропотливая работа. Призывники проходят медицинское обследование, проверяется их физическая подготовка и морально-психологическое состояние. Призывные комиссии организуют свою работу в духе гласности и открытости. Их деятельность контролируют государственные и общественные организации.

Обеспечив организацию призыва граждан на срочную военную службу, нужно уже сейчас готовиться к их приему в воинских частях, а также думать о возвращении к местам жительства военнослужащих, уволенных в резерв. И все это должно делаться в строгом соответствии с требованиями Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 15 марта 2005 года № 84 «О порядке сбора и отправления граждан на срочную военную службу, их приема в войсковых частях, а также возвращения к местам жительства военнослужащих, уволенных в резерв Вооруженных Сил Республики Узбекистан».

Родные, близкие, друзья надеются, что призванные в ряды Вооруженных Сил молодые люди с честью и достоинством выполнят свой конституционный долг, направят свои усилия на качественное освоение военных специальностей, физическое и нравственное возмужание, формирование твердой жизненной позиции, основанной на любви к Родине и готовности встать на ее защиту.

Дорогие призывники! Вооруженные Силы – это надежный щит нашей Отчизны. Служба в армии откроет перед вами широкие возможности для реализации права выбора жизненной профессии. В этом прежде всего источник возросшего престижа военной службы, а также в том, что неизмеримо возросли меры социальной защиты военнослужащих.

В добрый путь! Счастливой вам службы!

**РЕДКОЛЛЕГИЯ**



**2** ТВОИ ГЕРОИ, РОДИНА! — ВОЗДУШНЫЙ АС



**3** ЧАҚИРУВ: КУЗ – 2005 — ШИЖОАТЛАРГА ИЛҲОМ



**5** «ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА» — ВРАГ УМЕН И ОПАСЕН



**7** ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ — БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАР ОНАСИ

В Академии Вооруженных Сил

# ПОЗДРАВЛЕНИЯ К ЮБИЛЕЮ





**На днях в Академии Вооруженных Сил состоялось торжественное собрание. Оно было посвящено десятилетнему юбилею этого высшего военно-образовательного учреждения, созданного по инициативе Президента Республики Узбекистан. За минувшие годы Академия Вооруженных Сил стала настоящим флагманом военного образования страны, кузницей по подготовке высших командных кадров.**

На состоявшемся торжественном собрании выступавшие дали подробный анализ ходу выполнения задач, поставленных на открытии Академии Президентом Республики Узбекистан, Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами страны Исламом Каримовым. Тогда глава государства определил основные цели этого учебного заведения, указал направления деятельности по их достижению.

Плодотворно работая и прилагая все усилия по выполнению поставленных задач, коллектив Академии многого достиг. За десять лет произведено девять выпусков, успешно функционирует адъюнктура, при Академии организованы Высшие курсы по подготовке штабных офицеров, ставшие превосходной «смотровой площадкой» кадров. Многие из выпускников Академии в настоящее время несут службу в различных силовых ведомствах, успешно применяют на практике полученные за время учебы знания и навыки.

В своем выступлении Министр обороны Республики Узбекистан Кадыр Гуломов с удовлетворением подчеркнул тот факт, что Академия органично вписалась в оборонную доктрину нашей страны. Была особо отмечена неустанная работа командования и преподавательского состава по созданию стройной системы обучения слушателей, позволяющей качественно готовить кадры высокого уровня квалификации. Обращено внимание слушателей на главное требование времени – дальнейшее повышение качества обучения, формирование нового облика профессиональной армии.

В научной деятельности Академии отмечены изыскания по исследованию опыта ведения боевых действий против международных террористов и экстремистов. Терроризм не имеет границ, поэтому военная мощь государства является одним из важнейших инструментов сдерживания этой угрозы безопасности страны.

Выступавшие пожелали личному составу Академии и впредь сохранять тот сплав мудрости и молодого задора, который гарантирует преемственность добрых традиций и передачу накопленного опыта.

Затем был зачитан приказ Министра обороны Республики Узбекистан о поощрении личного состава Академии в связи с 10-летним юбилеем. Академии были вручены памятная ваза и приветственный адрес.

Выступивший от имени слушателей майор Эркин Мурадов горячо поздравил наставников с этой знаменательной датой и выразил искреннюю признательность за созданные в Академии условия для повышения профессионального уровня, заверил собравшихся в том, что новое поколение слушателей достойно продолжит славные боевые традиции учебного заведения.

В целом праздничные торжества не только придали заряд бодрости и вдохновения командованию и преподавателям Академии Вооруженных Сил, но и настроили слушателей с еще большей энергией и задором осваивать учебную программу, чтобы вернуться в воинские коллективы вооруженными новыми, самыми современными знаниями военной науки.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
**Фото подполковника Ярослава КОРУКИ.**



– Проходить обучение в десятом, юбилейном наборе является для нас всех большой честью, – говорит слушатель первого курса майор Дониер Истамалиев. – Однако это накладывает на нас и дополнительную ответственность, поэтому будем стремиться за время учебы получить как можно больший объем знаний и навыков, отличной учебой ответить на самоотверженный труд наших наставников.



– Сегодня было высказано много добрых пожеланий, в том числе и наказ неустанно трудиться во имя повышения оборонной мощи нашей Родины, – говорит майор Эльдар Холназаров. – В частности, неприкосновенность священных рубежей находится под нашей ответственностью. Поэтому за время учебы в стенах Академии будем стремиться крепить боевое сотрудничество, направленное на обеспечение безопасности и мирной жизни нашего народа, обеспечение надежного заслона проискам сил международного терроризма и экстремизма.



– Пример выпускников предыдущих выпусков, достойно несущих сегодня службу на самых ответственных должностях в различных силовых ведомствах нашей страны, является самым ярким доказательством того, что наша Академия дает высококачественные знания, – добавляет майор Вахоб Аллаев. – Этот пример и нас вдохновляет следовать за ним, чтобы по окончании учебы и нашим выпуском гордились преподаватели.

Дала академияси

# ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

Қуролли Кучларимизда изчил амалга оширилиб келинаётганислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Замон билан ҳамнафас одимлашимиз, илғор тажрибаларни ўзлаштиришимиз бу борада қўл келяпти. Бундан дейлик бир-икки йил муқаддам ҳавасимизни, ҳатто ҳайратимизни келтирган технологиялар, ҳарбий техникаю ускуналар бугун бизга чўт эмас. Билими, ақлий ва жисмоний салоҳияти юксак посбонлар бундайин илғор техникаларни тезда ўзлаштириб олаётгани уларнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини, кам бўлмаслигини кўрсатяпти. «Жанговар тайёргарликнинг интеллектуал даражасини юксалтириш, уни илғор усул-услублар, моделлаштириш, компьютер ва информацион технологиялар, замонавий фан ютуқлари асосида ташкил этиш йўлида олиб бораётган ҳаракатларимиз, бир томондан, ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб танлаган инсонларнинг ақл-заковати ва маҳоратини оширишни тақозо этмоқда. Иккинчидан, бугун ҳарбий хизматни ўташга ҳозирлик кўраётган ёшларимиз олдига янги, юксак талаблар қўймоқда», деган эди Президентимиз Ислом Каримов ўз сўзида. Дарҳақиқат, жанговар тайёргарликларимизнинг интеллектуал даражаси ошмоқда. Бу ҳам бўлса давлатимизнинг Қуролли Кучларимизга, ҳарбийларимизга юксак, устувор эътиборидандир.

Маълумки, жанговар тайёргарликлар, дала-ўқув машқлари посбонларнинг салоҳиятини оширадиган, жанговар шайлигини таъмин этадиган, ҳар томонлама чиниқтирадиган муҳим омилдир. Яхши биламизки, амалий машғулотлар, машқлар полигонларда ўтказилади. Демак, полигон замон талабларига жавоб берса, барча қулайлик ва шарт-шароитларга эга бўлса, мақсадга етишда қийинчиликлар бўлмайди. Қуролли Кучларимизнинг 13 йиллик тўйи арафасида Марказий ҳарбий округда замонавий андозалар асосида ана шундай бир полигон қад ростлади. Қисқа фурсат ичида тошлоқ, даштли бир жойда гўзал бир шаҳарча бунёд этилди. Уни кузатиб туриб, ўзбек ҳатто тошда ҳам гул ундиришга қодир, деган ҳақиқатни яна бир бор эътироф этишингиз табиий.

Полигоннинг марказий қўмондонлик пунктидамиз. Маълумки, машқлар шу ердан мувофиқлаштирилади, бошқарилади. Қўмондонлик пункти тўла компьютерлаштирилган. Бу ерда харита билан ишлаш учун барча қулайликлар бор. Қолаверса, қўмондонлик пунктидан муҳандислик, разведка, руҳий таъсир йўлакларини кузатиш, демакки, посбонларнинг бу марралардаги жанговар ҳаракатларини назорат этиш мумкин. Шу ўринда муҳандислик йўлаги ҳақида бироз тўхталсак. Йўлак миналаштирилган майдонча, бетон, сим тўсиқлардан иборат. Ҳатто рельс қўйилган, йўлакка. Буларнинг бари посбонни муҳандислик билан боғлиқ жанговар топшириқларни сифатли бажаришга ўргатади, унда кўникмаларни шакллантиради. Руҳий таъсир йўлакчаси ҳам юксак талабларга жавоб бера олади. Бунда ҳаракатланар экан, посбон аввало ўзидаги қўрқувни енгишга ўрганади, ҳар қандай шароитда турли руҳий таъсирларга берилмаслик ҳадисини олади.

Полигондаги танк директрацаси, артиллерия аслаҳалари учун мўлжалланган майдон ҳар қандай жанговар-ўқув машғулотларини ўтказишга шай. Уларнинг жиҳозланиши замон талабларига, машғулотлар талабларига тўлақонли жавоб беради.

Брифинг ўтказишга мўлжалланган жойда ҳам барча қулайликларни кўрасиз. Қишда-ёзда ишлаш учун мўлжалланган кондиционер, юмшоқ мебеллар, телевизор, телефон, параболик антенна, энг илғор коммуникация жиҳозлари бу ерда жам.

Одатда полигон аҳоли яшайдиган жойдан олисроққа қурилади. Аммо бу таърифланаётган полигон баъзи бир шарт-шароитлардан узилган, деган хулосани бермайди. Масалан, электр энергияси, сув билан таъминланиш масаласини олиб қарайдиган бўлсак, бунга амин бўламиз. Ҳатто машқлар кечаётганда электр энергиясида узилиш бўлгудек бўлса, қандай чора-тадбирлар қўллашгача ҳисобга олинган. Яъни бундайин фавқулодда ҳолатлар учун полигонда қўшимча электр энергияси ишлаб чиқадиган мослама ўрнатилган. Ҳажми улкан бўлган сув сиғими эса оби ҳаётнинг мунтазамлигини таъмин этади. Айниқса, унда тоғнинг шифобахш, маъданларга бой суви бўлишини инобатга олсак, шароитни англаймиз.

Полигонга биринчи бор келган кишини табиийки унинг назорат-ўтиш жойидаги рамз эътиборсиз қолдирмайди. Тошга қўниб турган бургут рамзига тикилар экансиз, кўнглингиздан бунинг муаллифи ким бўлди экан, деган савол ўтади. Ўзингизча қайсидир машҳур ҳайкалтарош, рассомни хаёлдан ҳам ўтказасиз. Ҳа, қиёслашга арзийди. Аслида бу рамзнинг муаллифи ҳарбийларимизнинг ўзи. Аниқроғи, ҳозирда истеъфога чиққан подполковник Жексен Жумалиев. Тошга қўниб турган баҳайбат бургут ҳам куч-қудратни, ҳам сергаклик, огоҳликни акс эттириб турибди.

Нафақат жанговар-ўқув машғулотлари, балки посбонларнинг маданий-маиший шароитлари ҳам инобатга олинган. Яъни машқлардан кейин шахсий таркибнинг дам олиши, кўнгилли ҳордиқ чиқариши масалаларини назарда тутяпман. Таъкидлаш жоизки, полигонда дам олишга мўлжалланган замонавий турар-жой бинолари қад ростлаган. Катта офицерларга мўлжалланган меҳмонхонага кирамиз. Шинамлик, қулайлик бобида улар ҳатто айрим «юлдузли» меҳмонхоналар билан беллаша олади, десак муболаға бўлмайди. Хоналар деворларида Ўзбекистонимизнинг жаннатмакон масканлари суратлари осиғлиқ. Сержантлар учун мўлжалланган меҳмонхона ҳам шинамлиги билан ажралиб туради. Юқорида тилга олинган қулайликларнинг деярли барчаси бор, бу ерда ҳам. Ҳатто халқаро ўқув машқларида қатнашишган хорижий ҳамкорларимиз тоғлик, даштликдаги бундайин шароитга лол қолишган. Меҳмонхоналарни кўздан кечирар экансиз, халқимиз ва ҳукуматимизнинг ҳарбийларнинг моддий ва маиший шароитларини яхшилаш йўлида амалга ошираётган муҳим ишларини эътироф этасиз.

Хуллас, марказий ҳарбий округдаги мазкур полигонга борсангиз, биз таъриф-тавсиф этолмаган қирраларини ҳам кашф этасиз. Жанговар тайёргарликларимизнинг интеллектуал даражаси қай даражада шаклланаётганига ўзингиз баҳо берасиз.

**Майор Алижон САФАРОВ.**







Твои герои, Родина!

# ВОЗДУШНЫЙ АС

**Самый дорогой для каждого гражданина Узбекистана праздник принес полковнику Аслонбеку Султонову даже не двойную, а тройную радость. Во-первых, за самоотверженный ратный труд во имя укрепления оборонной мощи страны Указом Президента Республики Узбекистан он удостоен медали «Жасорат». Во-вторых, достойным дополнением к государственной награде стало очередное воинское звание полковник. И, наконец, в-третьих, важным событием в жизни офицерской семьи стало и то, что сын Боязидхон пошел первый раз в первый класс. Друзья назвали это «командирским «хет-триком»...**

Офицер Аслонбек Султонов и сам проводит полеты в сложных метеоусловиях. Командиру авиабазы по рангу положено быть первым среди мастеров в военно-транспортной авиации. Густая облачность отнюдь не мешала ему уверенно ориентироваться в просторах «пятого океана». Выполнив стоявшую задачу, он запросил разрешения на посадку. Привычно выравнивая самолет над взлетно-посадочной полосой, в шлемофоне вдруг услышал голос командующего Войсками ПВО и ВВС полковника Абдуллы Халмухаммедова. Автоматически назвав номер своего позывного в небе, летчик пребывал в раздумьях о том, что же заставило командующего выйти на связь.

– Поздравляю с высокой государственной наградой – медалью «Жасорат»!

Эти слова старшего начальника как бы вспыхнули фейерверком в ночном небе, а сердце радостно забилось от неожиданного приятного сюрприза. Вот каким, оказывается, бывает признание! Тут поневоле растеряешься.

– Служу Республике Узбекистан! – пробились в радиоэфире уставные слова.

В череде нахлынувших после поздравлений особняком стоит звонок от мамы. Кимёхон-ая в непростых условиях вырастила восьмерых детей. В кишлаке Иттифок Узунского тумана Сурхандарьинского вилоята в этот день был настоящий праздник: их земляка наградили медалью «Жасорат». Мама принимала поздравления за сына. Чувства патриотизма и любви к Родине, впитавшиеся с молоком матери, привели к этой государственной награде.

Нелегко было учиться в Тамбовском высшем военном авиационном училище летчиков, вспоминает наш герой. Но помогло активное участие в школьных олимпиадах – по физике, математике, русскому языку. Ведь чтобы поднимать в небо воздушные суда, надо дружить с точными науками. Повезло и с наставниками. Потому офицерская жизнь сложилась удачно.

На военно-транспортную авиацию возложены непростые задачи по доставке военных грузов и пассажиров в заданные районы и в точно указанные сроки. В деле их успешного решения первыми помощниками командира части являются его заместители – начальник штаба подполковник Бахтиер Ахмедов, заместитель по инженерно-авиационной службе подполковник Баходир Комилов и заместитель по воспитательной работе майор Икромжон Мамасолиев. Опора на близких по духу сослуживцев и помогает формировать коллектив единомышленников, сплоченных единой целью.

Воинский коллектив авиационной части является местом стажировки курсантов Джизакского высшего военного авиационного училища. Отличный пример будущим военным летчикам подают мастера пилотажа – командиры эскадрилий подполковник Р.Насриддинов и майор Р.Сайбеков, заместители командира эскадрильи подполковники Э.Умурзаков и Д.Стрижков, на которых равняются все коллеги. В комнате предполетной подготовки части на самом видном месте вывешен плакат: «Каждый полет должен расцениваться как первый и самый важный!». И это не просто слова, это – непреложное требование, обязательное для каждого летчика, независимо от уровня мастерства.

Командир всегда подает пример подчиненным. За ворохом хозяйственных забот обязательно выкроит время для работы на тренажерах, для наземной подготовки к каждому своему полету. Летчик 1-го класса, инструктор, имеющий за плечами более двух тысяч часов налета, любит повторять: «Небо не прощает самомнения, не делает скидок на былые заслуги! Надо любую нештатную ситуацию отработать на земле, тогда и в небе не охватит растерянность, всегда найдется верное решение».

При всех мерах безопасности полет в небо всегда сопряжен с долей риска. И в жизни офицера А.Султонова возникали такие сложности. Однажды был отказ выхода шасси. Пока летал с целью сжечь остатки топлива и садиться, как говорится, «на брюхо», нашелся способ для запуска давшего сбой механизма.

Инженерно-технический состав части делает все для обеспечения безопасности полетов. Начальник группы авиационного вооружения и десантного оборудования капитан Учкун Сафаров, старший бортинженер самолета АН-12 капитан Иззат Абдуллаев, старший техник самолета АН-26 старший лейтенант Азизбек Хуррамов стали для сослуживцев образцом ответственности и надежности.

Рассказ о командире превратился в рассказ о части в целом. И это не случайно, ведь полковник А.Султонов твердо убежден – медалью отмечен труд всего воинского коллектива, ставшего одной дружной семьей.

Такова судьба командира, настоящего воздушного аса, заботливого наставника полковника Аслонбека Султонова. Кстати, он сам продолжает неустанно трудиться над повышением своего профессионального мастерства. Недавно прошел курс обучения в авиакомпании «Узбекистон хаво йуллари» и получил допуск для полетов на международных авиалиниях. Как говорится, совершенству нет предела.

**Майор А.НУРОВ.**
**Фото подполковника Ярослава КОРУКИ.**

# ТВОЙ ИНТЕРЕС




Совсем недавно Наталья ЯХЪЯЕВА успешно окончила Ташкентский государственный химико-технологический институт. Сегодня она – менеджер одного из столичных предприятий, где умение убедить клиента является важной составляющей в продвижении дела. А для этого, считают коллеги, у Натальи прекрасные данные: она всегда открыта, прекрасно разбирается в сути предмета, учтива и улыбчива, впрочем, как это свойственно «скорпионам».

Что касается уик-эндов, то она предпочитает отдых в горах, а также чтение детективов и, конечно же, Наталья – поклонник современной популярной музыки.

В будущем Наталья планирует открыть частный детский сад и реализовать таким образом свою давнюю мечту.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10x15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

В МИРЕ РЕКОРДОВ

## РЕКОРД БЕСПОСАДОЧНОГО ПОЛЕТА

В ходе кругосветного одиночного полета без дозаправки известный путешественник Стив Фоссет уже побил рекорд беспосадочного полета, который был установлен еще в 1962 году на самолете Б-52. Тогда «летающая крепость» пролетела без посадки 20 тысяч километров. Об этом сообщает группа контроля кругосветного перелета проекта «GlobalFlyer». Самолет «Глобалфлайер-311» Фоссета имеет необычную конструкцию и рассчитан специально на беспосадочный перелет всего лишь одного человека. Места для пассажиров не предусмотрены. В небе эта машина выглядит как три маленьких самолета, объединенных одним крылом. Кроме самого фюзеляжа, где расположена кабина пилота, под крыльями разместились большие баки с горючим, которые и выглядят как фюзеляжи еще двух самолетов. При этом сама кабина несколько меньше, чем каждый бак в отдельности. В снаряженном состоянии самолет весит около 10 тонн, причем около девяти тонн – вес горючего. Первый кругосветный полет без дозаправки был осуществлен в 1986 году.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



**Ушбу янги рукнимизда она Ватанга садоқат ва муҳаббат, ватанпарварлик руҳи сингдирилган, халқимиз орасида маълуму машҳур қўшиқлар, уларнинг яралиши, ижро этилиши билан боғлиқ тафсилотлар, маълумотларни сиз, азиз ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола этиб борамиз.**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг етакчи солисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимовнинг «Она юрт» қўшиғи нафақат ҳарбийларимиз, балки кўпгина юртдошларимиз орасида оммабоп ва севимлидир.

– Бу қўшиқни илк бора Мустақиллик байрамимизнинг 10 йиллиги тантаналарида ижро этганман, – дейди Марат Ҳакимов, – яъни 2001 йилда. Шеър муаллифи Бобур Бобомурод. Мусиқасини эса менинг кўп йиллик ижодий ҳамкорим Анор Назаров басталаган.

## ОНА ЮРТ

Ўзбекистон боғи бўстон Ватаним,
Тилло замин нурли осмон Ватаним,
Тангрим севган ўлкаларнинг жаннати,
Таърифлари тилда достон Ватаним.

Нақорат:
Жоним ўзинг она-юрт, она-юрт,
Шоним ўзинг она-юрт, она-юрт,
Саховатда бу оламда
Танҳо ўзинг она-юрт, она-юрт!

Алломалар мангу яшар бу юртда,
Тенгу омон аҳли башар бу юртда,
Умринг сайин меҳринг ошар бу юртда,
Сенда азиз ҳар бир инсон Ватаним.

Нақорат:
Жоним ўзинг она-юрт, она-юрт,
Шоним ўзинг она-юрт, она-юрт,
Муҳаббатда бу оламда
Танҳо ўзинг она-юрт, она-юрт!

Юртим дея саҳоватда яшаймиз,
Бағринг узра шаҳдам қадам ташлаймиз,
Бахтинг куйлаб қутлуғ наво бошлаймиз,
Мангу яшна сен жонажон Ватаним.

Нақорат:
Жоним ўзинг она-юрт, она-юрт,
Шоним ўзинг она-юрт, она-юрт,
Жасоратда бу оламда
Танҳо ўзинг она-юрт, она-юрт!

ДУНЁ МЎЪЖИЗАЛАРИ

## БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ

Хитойнинг ушбу улкан меъморий ёдгорлиги ҳақида эшитгансиз, албатта. Қалъа девори сифатида дастлабки қисми милоддан аввалги 4-3 асрларда қурилган. Милоддан аввалги 2–1 асрларда Ғарбга томон 500 кмга узайтирилган.

Буюк Хитой девори Изюйюнгуань қалъаси ва Шанхайгуань қалъа-қўрғони оралиғида чўзилган бўлиб, тўлиқ сақланмаган. Кўтарилиш жойлари ва тармоқлари билан умумий узунлиги 5000 кмга яқин. Осиёлик археолог олимларнинг илмий текшириш, изланишларига кўра, Хитойнинг жануби-ғарбидаги сунъий тепалик ҳам ўша деворга дахлдор – унинг давоми эканлиги аниқланди. Бу эса, меъморий ёдгорлик узунлигини яна 530 кмга кўпайтирди, дегани.

Баландлиги 6,6 метр бўлган деворнинг кенглиги – асосида 6,5 метр, юқори қисмида 5 метргача.

Маълумки, деворнинг асосий вазифаси – ташқи душмандан ҳимояланиш учун хизмат қилиш бўлган. Айнан шу сабабли ҳар бир неча юз метрда соқчилар учун тўртбурчакли буржлар қурилган. Ҳар 10 кмда эса кузатиш ва хабар бериш миноралари, тоғдаги муҳим ўтиш жойларида мустаҳкам қўрғонлари бўлган.

Дарвоқе, «Ванли чонгчанг», дея хитой тилида аталувчи меъморий ёдгорлик Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида «Садди Чин» девори номи билан тилга олинган.



## ПАМЯТЬ КРЕПКА, И МЫСЛИ НАШИ БЫСТРЫ?



ТЕСТ

**Стрессы, супернагрузки на работе зачастую вгоняют вполне молодых и здоровых людей в состояние «здесь – помню, здесь – не помню». А как у вас обстоят дела с памятью? Давайте проверим.**

**0 – никогда, 1 – редко, 2 – иногда, 3 – часто.**

1. Вы с трудом вспоминаете то, что произошло за последние дни?
2. Сложно ли вам следить за действием фильма (книги, передачи), потому что вы уже не помните, что было в начале?
3. Бывает такое: входите в комнату и начинаете мучительно вспоминать, за чем же, собственно, вы пришли?
4. Забываете начисто о таких простых и важных делах, вроде того, что вам нужно оплатить какой-то счет или прийти на встречу?
5. Вдруг вылетают из памяти номера телефонов, которыми вы пользуетесь постоянно?
6. Забываете ли вы неожиданно имя и фамилию человека, с кем общаетесь постоянно?
7. Вы способны заблудиться в хорошо знакомом месте?
8. Бывает, что с трудом вспоминаете, куда совсем недавно положили нужную вам вещь?
9. Выходя из дома, забываете выключить газ, свет, запереть дверь?
10. Случается ли вам по нескольку раз повторять одно и то же, вызывая недоумение окружающих?
11. Бывает, что трудно вспомнить имена популярных людей или названия известных мест?
12. Вы вынуждены многое записывать, не надеясь на память?
13. Трудно запоминать новые рецепты, правила игр?
14. Вы теряете вещи?
15. Бывает, что тут же начисто забываете то, что вам только что сказали?

**7 или меньше очков.**

У вас великолепная память! Остается только завидовать. Тем не менее, не забывайте ее «подпитывать», в том числе с помощью полезной для мозга диеты.

**От 7 до 15 очков.**

Вам не следует расслабляться и пускать дело на самотек! Вы еще держитесь, но память уже нуждается в регулярных тренировках.

**15 и более очков.**

Увы, вашу память нужно срочно «приводить в чувство». Пожалуй, нужно, не откладывая, посетить специалиста-невролога и выяснить причины снижения памяти и внимания. Только не забудьте этим заняться!

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

## КЎЗГУ НИМА ДЕЙДИ?

**Кўзгу фақат ўзигагина маълум қонунлар асосида унга қарайдиган инсонлар ҳаётини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин экан...**

Қадимдан «эски ойна уйга бало-қазо олиб келади», дейишади. Шу боис ҳам одамлар кўз тегиб юрмасин дея, ойнага камроқ қарашган. Бундан ташқари, айрим манбаларда кўзгу олдида кўп ўтирадиган кишининг жуда эрта қариши таъкидланади.

Бугунги кунда кўпчилик бунга ишонмайди ёки шубҳа билан қарайди, албатта. Аммо Нью-Йорк парапсихологик тадқиқотлар институти олимлари томонидан олиб борилган кузатишлар қадимдан таъкидлаб келинаётган гапларнинг қуруқ сафсата эмаслигини кўрсатмоқда. Олимлар 15 йил мобайнида ўта сезувчан асбоблар ёрдамида кўзгунинг инсон организмига таъсирини кузатиб, қуйидагиларни аниқладилар:

Агар бирор киши кун бўйи кўзгуга кўп бора қараса, кечқурун ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Секин-аста кучли чарчоқ ҳисси пайдо бўлиб, хотира сустлашади. Сабаби, кўзгу бизнинг ҳаётий муҳим қувватимизни тортиб олади ва шу йўл билан организмни кучсизлантиради.

Бундан ташқари, қадимий кўзгуларнинг «хавфли» экани ҳам ўз тасдиғини топди. Кўзгу инсоннинг ҳолати, ҳиссиётлари, айниқса, ўта кучли салбий ҳиссиётларни «эслаб» қолади. Кейин эса барча салбий қувват кўзгу қаршисида турган кишига йўналтирилади.

Ойналарнинг салбий таъсирини бартараф этиш учун уларни ҳафтасига бир марта булоқ сувида ҳўлланган латта билан артиб туриш керак. Кейин шам ёқиб, атрофида айлантирилади. Агар ҳар иккала усулни қилишнинг иложи бўлмаса, ойнадаги салбий қувватни қуёш нурига қўйиб ҳам йўқотиш мумкин.

**Қўшимча изоҳ: бу нафақат аёлларга, балки эркакларга ҳам тааллуқли. Чунки улар ҳам ҳар куни ёки кунора соқол қиртишлаб турадилар-да!**

## И В АНГЛИИ ОБВЕШИВАЛИ

Еще с давних времен человечество сталкивалось с производством некачественных и фальсифицированных товаров и пыталось с этим бороться. Как свидетельствует история, самый первый приказ по защите прав потребителей был издан королем Англии в 1200 году и касался изготовителей неточных весоизмерительных приборов.

Однако первые разработки законов по защите прав потребителей приходятся на конец XIX столетия (кстати, некоторые законы, принятые тогда в Германии, действуют и до настоящего времени). Понимая, что наиболее незащищенными среди граждан являются покупатели, в разных странах стали создавать общественные организации. Так, в 1936 году образовалась Национальная ассоциация потребителей в США, в 1951 году – во Франции, в 1957 году – в Великобритании, в 1960 году – в Канаде. С тех пор и было положено начало международному движению по защите прав потребителей, которое с каждым годом росло и крепло. Да и большинство государственных деятелей многих стран стали понимать всю серьезность поднимаемой общественностью проблемы. 15 марта 1962 года президент США Джон Кеннеди впервые в мире издал специальное постановление о защите прав потребителей, а также сформулировал перечень прав потребителей, который признается сейчас во всем мире. К слову сказать, 15 марта с того времени ежегодно отмечается как Всемирный день прав потребителя. В Узбекистане также повсеместно отмечается этот день.

## ПЛАМЕННОЕ СЕРДЦЕ

У десятилетнего жителя Кимта Сень Чана есть все шансы попасть в Книгу рекордов Гиннесса в номинации «Самый горячий человек на Земле». Только представьте себе: постоянная температура тела маленького Чана равна 43 градусам С! При таких показаниях градусника обычный человек находится на грани клинической смерти, пребывая в состоянии сильнейшего бреда. А вот Сень чувствует себя великолепно: ходит в школу, играет в футбол и даже готовится к олимпиаде по математике.



Специалисты не могут дать однозначного объяснения этому природному феномену. Пока высказано предположение, что виной загадочной мутации организма стала лихорадка, которой Сень Чан переболел в раннем детстве.

«Горячий» ребенок получил приглашение на обследование в одну из престижнейших китайских клиник.

## ЖИВЫЕ ДЕТЕКТОРЫ ЛЖИ СРЕДИ НАС!

Оказывается, среди нас есть люди, которые способны безошибочно определять, лжет человек или нет. Этими исследованиями ученых из Великобритании уже заинтересовались различные спецслужбы.

В ходе опытов ученые установили, что невероятная способность «чувствовать» ложь есть лишь у небольшого количества людей – 0,002 процента населения Земли. При этом их возможности больше, чем у самых современных детекторов лжи. Прибор способен определить, обманывает человек или нет, с уровнем достоверности в 70%, а у людей с врожденным даром к «лжевидению» точность составляет более 90%. При этом обладающие данной способностью люди определяют, лжет человек или нет, не только в общении, но и по видеозаписям. Как это происходит, пока не совсем ясно. Ученые продолжают исследования одной из самых больших загадок нашего подсознания.

ЎЗБЕК СПОРТИ ЮЛДУЗЛАРИ

## ВАТАН НОМИН УЛУҒЛАБ

**Бокс мамлакатимизда юқори даражада ривожланган спорт турларидан саналади. Ўзбекистонлик боксчилар дунё спортида катта мавқе ва обрўга эга. Чунки халқаро мусобақаларда қўлга киритилган энг нуфузли ютуқларимизнинг аксарияти айнан боксчиларимизнинг меҳнати ва маҳорати самарасидир. Хусусан, спорт оламида энг нуфузли саналган ёзги Олимпиада ўйинларидаги дастлабки олтин медаль ҳам «чарм қўлқоп» устаси Муҳаммадқодир Абдуллаевга тегишли. Дарвоқе, ҳамюртимиз ҳозирги пайтда профессионал бокс рингларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.**



Муҳаммадқодир ёшлигидан иродали, бир сўзли, қатъиятли ва мақсад сари оғишмай интилувчан бўлиб ўсди. Ўғлининг спортга бўлган иштиёқини ўз вақтида пайқаган отаси Муҳаммадёқуб ака уни боксга олиб келганида, йиллар ўтиб Муҳаммадқодир дунёнинг энг зўр боксчиларидан бирига айланишини балки билмагандир. Лекин Муҳаммадқодир нафақат мураббийлари – Шуҳрат Абдуллаев, Лочин Қўчқоров ва Марс Қўчқоровларнинг ўгитларини, балки барча ўзбекистонликларнинг ишончини оқлади. Тўғри, унинг ҳаваскор боксдаги фаолияти кўнгилдагидек бошланмади. 1993 йили Финляндияда бўлган жаҳон чемпионатидан медалсиз қайтди. Иккинчи уриниши ҳам омадсиз якунланди. 1995 йили Германиядаги жаҳон чемпионатида биринчи учрашувдаёқ мағлубиятга учради. Муҳаммадқодир бундан асло тушкунликка тушмади. Аксинча, машғулотларга зўр берди, ўз устида тинмай изланди. Натижада орадан икки йил ўтиб, Осиё чемпиони бўлди. Шундан сўнг унинг омади юришиб кетди.

1998 йили Бангкокда Осиё ўйинлари кубогини қўлга киритди. Бир йилдан сўнг жаҳон чемпиони бўлди. Икки марта Осиё чемпионатида ғалаба қозонди. Уч йил давомида Халқаро бокс ассоциацияси – АИБА рейтингида биринчи поғонани эгаллаб турди. Лекин Муҳаммадқодирнинг асосий мақсади Олимпиада ўйинлари чемпионлигини қўлга киритиш эди. Чунки бошқалар қатори боксчилар орасида ҳам Олимпиада чемпионлиги энг юксак унвон ҳисобланарди. 2000 йил Сиднейда ўтказилган Олимпиада ўйинларида унинг орзуси ушалди.

«Сидней-2000» рингларида Муҳаммадқодир Абдуллаев жуда чиройли жангларни ўтказди. Айниқса, унинг чорак финалда белоруслик рақиби Биковскийни қийин жангда енгани мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Муҳаммадқодир рақибига қарши ажойиб тактика қўллади. У ташаббусни ўз томонига оғдиргач, рақибини ринг бурчагига қисиб қўйишга муваффақ бўлди. Бунинг оқибатида Биковский бир неча кучли зарбаларни ўтказиб юборди. Кескин ва муросасиз баҳс ҳамюртимиз фойдасига ҳал бўлди.

Муҳаммадқодир Абдуллаев 2001 йилнинг апрелида профессионал боксдаги биринчи жангини ўтказди. Сидней Олимпиадаси чемпиони АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида Маан Вашингтонга қарши рингга кўтарилди. Жангни бошқарган ҳакамлар бир овоздан ўзбекистонлик профессионал боксчи ғалаба қозонганини эътироф этишди.

Шу тарзда профессионал рингда бирин-кетин ғалабаларга эришган М.Абдуллаев сўнгги жангларидан бирида яна бир чемпионлик камарини қўлга киритди. Австралиянинг Мельбурн шаҳрида IBF йўналиши бўйича собиқ жаҳон чемпиони Филипп Холидэйга қарши ўтган жангнинг тўртинчи раундида рақибини нокаутга учратди. Бу ғалабадан сўнг Муҳаммадқодир Абдуллаев WBO йўналиши бўйича қитъалараро чемпионлик камари соҳиби бўлди.

